



Бирлашган императорликдан кўп майда давлатларга
парчаланиш давридаги Туркистон



Темур ва темурийлар даври

Туркийларнинг бешиги бўлмиш буюк бир ўтмишга эга бўлган Туркистоннинг дунё тарихида муҳим роль ўйнагани ҳар кимга аён бўлган ҳақиқатдир. Бу ерда турли туркий империялар тузилди ва тарихий оқим давомида борлигини йўқотгунга қадар дунёга шу ердан Табсар кўрсатди.

Бу ўринда Туркистоннинг узок кечмишини баён қилиш заруратини сезмаяпмиз. Чунки Туркистон туркларининг аскарий тузуми бўлсин, яхши ёки ёмон ҳислатлари бўлсин, барчаси араб, эрон, турк ва Ғарбий Европа тарихчилари томонидан тадқиқ қилинган. Мақсадимиз, Туркистоннинг сўнги империядан кейин айрим давлатлар шаклида парчаланишга қадар бошдан кечирган ўзгаришларнинг жадвалини яратиш билан боғлиқ тарихнинг бир даврига диққат тортмоқдир.

Мўғуллар 1221 йилда Хоразмшоҳдар(Хоразмшоҳдар тарихи ҳақида қаранг: Бартольд В.В. Хорезмшах, ФА, 1-жилд, 263-265-бетлар; Фауд Купрулу, Хорезмшахлар, ФА, 1-жилд, 265-96-бетлар; Иброҳим Кафесўғлу, Хорезмшахлар давлати (485-617 ёки 1092-1229 йй.), Анкара, 1956 й. Ушбу асар Хо-размшоҳдар тарихи ҳақида энг изчил тадқиқотлардан ҳисобланади (Булардан ташқари қаранг: З. М. Буниятов. Государства хорезмшахов - ануштегинидов (1097-1231), Москва, 1986 йил. - Таржимон.)) императорлигининг пойтахти Урганчни забт этгандан сўнг XIII асрнинг бошларида бу императорликни тугатдилар. Туркистон шундан бошлаб мўғулларнинг Чигатой улусига оид бўлиб қолди(Кўпроқ маълумот учун қаранг: Barthold Spuler (ношир ва ёзувчи), Geschichte Mittelasiens, C.V. Leiden-Köln, 1966 йил, 208-220-бетлар.). Шунга қарамай, туркилар XIV асрнинг ўрталарига қадар бу улусни тил жихатидан турклаштиришга, дин жихатидан исломлаштиришга муваффақ бўлдилар(Киёслансин: Боймирза Хайит,

«Туркистоннинг кискача тарихи», Берлин, 1944 йил, 91-бет.).

Чигатой улуси даврига (XIII ва XIV аср) - турк адабиётида Амир Темур, дунё адабиётида Темурланг деб аталган Темурбек томонидан 1370 йилда барҳам берилди. Темур (9.4.1336 - 18.2.1405) турк-барлосуругининг беги Тарагайнинг ўгли бўлиб, Кеш (Шахрисабз)да тугилди. У Туркистоннинг, ўзгариб турувчи дунё тарихининг янги бир саркардаси эди.

Темур харбий саркарда ва давлат арбоби ўларок 32 йил ичида шарада Олой тоғларига кадар, Гарбда Кора ва Ок денгизга кадар, Жанубда Хиндистонга кадар чўзилган бир салтанат тузишга муваффақ бўлди. Тарихчилар Темур яратган давлатни ва унинг хдрий санъатининг ўзига хос хусусиятларини ханузгача ўрганмокдалар. Темур ва унинг даври хакида хозиргача саноксиз асарлар битилди(Темур ва темурийлар хакида машхур манбалардан фойдаланилган адабиётлар: Ахмаджон Ўкай, Буюк Темур, Истанбул, 1963 й; Автобиография Темурланга, Ташкент, 1895 й.; А. И. Якубовский, Самарканд при Тимуре и тимуридах, Ленинград, 1933.; L. Bouvat, Essai sur la civilization Timouride, «Journl Asiatique» Paris, 1926, CCVI11,193-229-6; Barthold, II, 157-162-6.; Hilda Hookham, Tamburlaine (Temurlenk) the Conguerer, London, 1962; Б.В. Лунин, История, культура и искусство времени Тимуридов в советской литературе (библиографический указатель): ОНУ (Обществешяе науки в Узбекистане), Ташкент, 1969, № 8-9,101-145-бетлар; И. М. Муминов. Об исторических условиях, ОНУ, 1969,8-9, 3-11-бетлар.).

Тадкикотчиларнинг хаммаси хам уни «Буюк Темур» деб кайд этмасаларда, дунё тарихидаги энг буюк шахслардан бири эканлигини эътироф киладилар. Баъзилар эса Темурни дунё тарихининг кўркинчли бир сиймоси деб хисоблайдилар. Темур хизмат пайтида содда, камтарин, урушда кескин, катъий, тинчлик даврида юмшок феълли эди. У ўзига шуҳрат келтириш, буюк унвонга эга бўлиш учун харакат килмади, бунга эътибор бермади. Чигатой улуси анъаналарига богликлигини бу хонадондан хонлар тайин килиш оркали намойиш килди. Бу хонлар Суюргамишхон (1388 й.) ва Султон Махмудхон (1402 й.) эди. Темур бу хонлар номидан пул чикарди ва ўз номини бу хонлар номи ёнига «Буюк амир» деб ёздирди. Бундан ташкари у ўзини «Бек» (ёки «Амир») унвони билан такдим этарди. Хаётининг сўнгида тўғридан-тўғри «Султони Туркон» номи билан машхур бўлди. Дунёда эътибор ва мавке топган Темур бугун хам Туркистонда миллий шуурнинг бир тимсоли деб кабул килинган. Унинг замонига оид асарлар, ёдгорликлар хозирга кадар кимматли манба сифатида кадрланади. Хакикатан хам, шундай эканлигига ишонч хосил килиш учун йирик Туркистон олимининг энг сўнгги китоби ва бошка асарларни кўриш мумкин(Иброхим Мўминов, Роль и место Амира Темура, 1968; СЎ 4 ян-варь 1969 й, 3-бет. «Темур замонида Ўрта Осиё кавмларининг обрўси халкаро майдонда кучайиб кетди». 1969 йил 18 январидаги «Ўзбекистон маданияти» газетасида И. Мўминов Темурни «Туркистон юртсевари» деб таърифлайди. Шоир Мухаммад Али «Шарк Юлдузи»нинг 1968 йил 11 сонида («Гумбаздаги нур») Темур шахсияти ханузгача атрофга нур таратишини тараннум этди. Етарлича маълумот учун каранг: Б. Хайит, «Туркистонда Амир Темур хакида янги фикр жараёни», «Миллий Туркистон», 1969 й., №126, 15-18-бетлар.). Темур ўзидан сўнг салтанатининг бошига не савдолар тушишини тасаввур кила олмас эди. Унинг харбий куввати аввал ўзига содик, сўнгра унга душманга айланган Олтин Ўрда хони Тўхтамиш Ўрдасини енгди. Темур Султон Йилдирим Боязиднинг хам кўшинларини енгди(Темур билан Йилдирим Боязид орасидаги жанг хакида, каранг: Умер Холис, Етти йиллик уруш орасида Темурнинг Анадолу сафари ва Анкара жанги, Истанбул, 1934 й.; Темур билан Боязид орасидаги муносабатлар борасидаги энг янги

тафсилотларни Т. Йилмаз (Туркия тарихи, III жилд, Истанбул, 1962 й.) ўртага ташлади.). Биринчисининг натижасида Олтин Ўрдага тобе бўлган руслар кучайдилар ва улар 1480 йилдан кейин куч кўрсатиш кудратига эга бўлгач, аста-секин туркиларнинг аёвсиз душманига айландилар. Иккинчисининг натижасида туркларнинг Византия сиёсати 50 йил орқага сурилди. Темур кўп зафарларга эришди, у Хитойни ҳам фатх қилишни истар эди. 1404 йилда Хитой зафарига чиққан вақтида тахминан 68 ёшда эди. Темур Ўтрорда ўз чодирда вафот этди. Унинг ўлиmidан сўнг салтанатида парокандалик даври бошланди. Фарзандлари ва кўмондонлар Темур ворисини тайин этиш хусусида курашдилар. Бошбошдоклик, ҳокимият учун кураш ва баъзи зодагонларнинг ўз кучига бўлган ишончи очикдан-очик намоён бўла бошлади. Бу хусусиятлар башарий бир инстинкт бўлиб, дунёнинг барча миллатларига хосдир. Факат Туркистон турклари бошқа миллатларга нисбатан жуда кўп изтироб чекдилар.

Уч йиллик ички курашлардан сўнг Темурнинг мистик табиатли ва айни замонда «илм ва санъат инжуси» унвонига сазовор бўлган ўғли Шохрух (1377 й.)(Шохрух хақида қаранг: 3. В. Тўган, «Буюк турк ҳукмдори - Шохрух», Турк тили ва адабиёти журнали, Истанбул, 1949 й., N 3-4. 520-538-бетлар.) 1407 йилда тахтга ўтирди ва ўлимига қадар (1447 й.) салтанатни Хиротдан идора этди. Шохрух Мовароуннахрни ўғли Улугбек орқали идора этди. Улугбек (22.3.1394 -25.10.1449) нинг исмини шахсан Темурнинг ўзи қўйган. Улугбек ҳукмдор ва саркардага нисбатан кўпроқзиёли ва юмшоқ табиатли киши бўлса ҳам 1447 йилда отаси Шохрухнинг тахтини эгаллагач, ички ўзаро урушларда курашишга мажбур бўлди. Темурнинг салтанати заифлашди. Салтанатга тегишли давлатларда мустақилликни қўлга киритишга ҳаракат кучайган эди.

Улугбек дунёнинг энг буюк мунажжимларидан бири эди(Улугбекнинг саройида яшаган чигатой-турк шоири Саккокий шундай ёзади: «Фалакка йиллар керак ва келтурса оламга менингтеки турк шоирни ва сенингтеки хохи донони». Улугбек хақидаги қуйи-даги асарларни қимматли деб ҳисоблаймиз: В. Бартольд, Улугбек и его время, Петроград, 1918. (Туркча нашри Окдес Нимет, Истанбул, 1930; инглизча нашри Минорский, Дайдэн, 1958; форсча нашри Хусейн Ахмадий, Табриз, 1958; олмонча нашри Валтер Хинз, Лайпциг, 1938); Ф. Кориниёзов, Астрономическая школа Улугбека, М-Л, 1950; М. Е. Массон, Обсерватория Улугбека, М-Л., 1941; С. Peter and E. Khobl, Ulug, Begs Catalogue of Stars, Washington, 1917; Мирзо Улугбек, Сбор-ник Туркестанского научного общества, Ташкент, 1925; М. Я. Леонов, Улугбек великий астроном XV века, М., 1950.). У тахтидан туширилгач, Маккага кетар экан, ўғли Абдуллатиф кўрсатмасига биноан 25 октябрь 1449 йилда қатл этилди. Ота қотили Абдуллатиф Туркистон ҳукмдори ўларок 198 кун салтанат эгаси бўлди. Чунки у ҳам 1450 йил май ойида ўлдирилди. Унинг ўрнига Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли Абдулазиз ўтирди. Темурийлар орасида салтанат учун кураш давом этди. Абдулазиз Темурийлардан бўлмиш Абу Саидга қарши урушда (1451) ўлди. Абдусаид ўзбекларнинг ёрдами билан ҳокимиятни қўлга киритиб, пойтахтни Самарқанддан Хиротга кўчирди ва Темурийлар ҳокимият тизгинини 18 йил ўз қўлида тутди. Эронга қарши юришларнинг бирида, 1469 йилда ўлди. Абдусаиднинг ўрнига ўғли Султон Ахмад тахтга ўтирди. Туркистонни ва унга қаршли ўлкаларни 1469 - 1494 йиллар давомида бошқарган Султон Ахмад дастлаб Хўжа Ахрор(Хўжа Ахрор 1404 йилда Тошкентда тугилган. 1490 йилда Са-марқандда вафот этди. У накшбандий тарикатига муносиб бўлиб, табиий илмларга қарши эди. Тасаввуфни ривожлантирганлардан. Темурийлардан Абдуллох ва Абу Саид орасидаги тахт талашувида Абу Саид тарафида турди. Фақирларга ёрдам беришни тарғиб қиларди. Тасаввуфга оид асарлари бор.

Хаёти ва дунёкараши ҳақидаги ўз кўлёмаси «Макомати Хўжа Ахрор» Боязид кутубхонасида сақланмокда.) бошчилигидаги фанатик диндорлар ўлидаги кўгирчокка айланди. Султон Аҳмад пойтахтни Самарканддан Хиротга кўчирди. Унинг ҳукмронлиги даврида Темурийлардан Султон Хусайн Бойкаро (1469 - 1500) ўзининг мустақиллигини эълон қилди ва Хуросон билан Хоразмда ҳукмронлик қила бошлади. Султон Аҳмаднинг ўлимидан сўнг ўгли Султон Маҳмуд 1494-1498 йилларда ҳукмронлигини Самаркандда давом эттирди. Уни ҳам ўгли Султон Али Мирзо (1498 - 1500) таъқиб қилди. Султон Али Мирзо Туркистондаги ҳокимиятни Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбекларга беришга мажбур бўлган сўнгги темурийлардан бири эди. Шайбонийхон босқинига қарши Султон Хусайн Бойкаронинг халафи Бадиуззамон каби қучли бир темурий саркарда майдонга чиқмади. Натижада, Шайбонийхон 20 май 1507 йилда Хиротни забт этди. Шу билан Туркистон ва унинг атрофида темурийлар даври тугатилди. Шундай қилиб, Темур ва темурийлар дунёнинг энг йирик императорларидан бири бўлиб, 137 йил давомида Туркистон ва унинг яқинидаги ҳудудлар аҳолисининг тақдирини белгиладилар.

Уруш, зафар, тинчлик; Туркистоннинг юксалиши ва чўкиши; вайроналик ва янгидан яратиш; уруш натижасидаги фақирлик ва тинчлик замонида унинг бартараф қилиниши; аскарлар ва кўмондонларнинг зафар сарҳудлиги; уларнинг руҳий тушқунлиги, илм ва шеърятда юксак чўққига эришиш ва ният, диний фанатизмнинг чуқур илдиз отиши темурийлар даврининг асосий қизғиларидир.

Туркистондаги сиёсий ҳукмронлик 1500 - 1507 йиллар давомида темурийлар кўлидан Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбекларга ўтди. Темур шажарасидан Заҳриддин бин Умаршайх Бобур (Бобур ҳақида атрофлича маълумот учун қarang: М. Фуат Кўпрў" лу, Бобур, Иа, 13, Жуз; «Бобурнома» ҳақида қarang: В. Hayit, Kindlers Literatur Lexikon, Munchen, 1964; «Бобурнома» Р. Р. Арат томонидан «Воқеаи Бобурнинг хотироти» номи билан ҳозирги туркчага таржима қилиниб, турк тарих ушмаси матбааларида тарқатилди. Анкара. 1943 й. ва 1946 йилда; «Решит Раҳметий Арат учун, Анкара, 1966 й.; Ўша муаллиф, Бобур ва асари, «Turk Kulturu», 1964, №17,18-21-бет).

томонидан ташқарига суриб чиқарилгач, 1526 йилда Ҳиндистонда темурийлар салтанати қуришга муваффақ бўлди. Европа тарихчилари «Буюк мўғул» деб номлаган, Ҳиндистондаги темурийлар салтанатининг тузувчиси Бобур давлат арбоби ва кўмондон бўлиб қолмасдан, айна замонда даврининг янги бир йўсиндаги шоири эди. Бу салтанат Акбарнинг замонида энг порлоқ даврига эришди. Муҳаммадшоҳ (1719 - 1748) салтанати замонида императорлик парчалана бошлади. Шунга қарамай, Бобурийлар Шох Жаҳон ўлимига қадар (1806) Ҳиндистонда баобрў эдилар. Ҳуллас, 1858 йилда Британия тасарруфига ўтдилар ва ният, улар томонидан тахтдан туширилдилар.) (1483 - 1530) ўзбеклар Темур ва темурийлар даврида маданият соҳасидаги ютуқлар бениҳоя бўлди. Бу даврда ҳисобсиз илм киши-лари, шоирлар, меъморлар каби буюк шахслар фаолият кўрсатдилар. Уларнинг руҳи Туркистон маънавий ҳаётида ханузгача бир машъала вазифасини бажармокда. Бу ўринда Туркистон маънавий ҳаётига алоқадор бўлган икки машҳур шахс ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу икки сиймодан бири ҳукмдор ва илм кишиси бўлган Улугбекдир.

Улугбек 1421 йилда Самарканднинг Қушоктепа деган жойида телескопининг узунлиги 50 метр бўлган расадхона қурдирди. Бу расадхона уч қаватли бўлиб, 25 метр баландликда жойлашган, у 85х170 метрлик бир майдон ўзра қурилган эди. Улугбек 1918 юлдузни аниқлаб, қайд қилган. Бир йил 365 кун 6 соат, 10 дақиқа ва 8 сония эканлигини

хисоблаган, ҳозирги аниқ кийматдан 1 дақиқа, 2 сония фарқ қилади. Унинг астрономик жадвали осмонни ўрганишга бағишланган асарларга асос бўлди, У мусулмон Шаркининг астрономиядаги буюқ тадқиқотчиларидан эди («Зижи Муҳаммадшоҳ» муаллифи Савай Жайсинг куйидагига диққатни жалб қилади: «Улугбек ўлдирилганига уч юз йил ўтганига қарамай, атрофимизда на ислом дунёси ҳукмдорлари ва на машҳур кишилари шугуллана олдилар»; Кориниёзов, 304-6. Улугбекнинг астрономик жадвали 1665 йили Оксфордда лотинчага таржима қилинди, 1767 йили инглизчага, 1853 йили французчага ўғирилди.). Улугбек ўлдирилгандан сўнг Али Кушчи (вафоти 1474, Истанбул) Самарқандни тарқ этиб, Усмон императорлигига келган ва бу ерда астрономик кузатишларини давом эттирган. (Улугбекнинг шогирди ва яқин дўсти Али Кушчи астрономияга доир бта асар яратди. Буларнинг орасида «Шарҳи зижи гургоний» ҳам бордир. Эдирнедаги бир мадраса ва бир кўчага Али Кушчи номи берилган. Қаранг: М. Таууиб Йокбилгин, XV-XVI Asirlarda Edirne ve Paja Livasi. Vakıflar, Mulkler, Mukataalar, Istanbul, 1952 й, 33-6.) Туркистондаги маънавий ҳаётнинг бошқа буюқ вакили Хусайн Бойқаронинг Хиротдаги саройида шоир ўларок фаолият кўрсатган Мир Алишер Навоий (1441 - 1501) дир. Чигатой туркчаси билан битилган шеърлари Туркистон адабиётида кунимизга ўрнатқ бўладиган асарлар сифатида қабул қилинмоқда (Spuler, 231-6.: «Турк тилининг ушбу бўлаги (Чигатой туркчаси) бу тил устозига (Бобур хотиралари билан бирга) бир маданий тил сифатида эътироф этилиши учун ташаккур билдириш лозимдир». Фуат Кўпрулу, Алишер Навоий, Истанбул, 1941, 5-бет: «Фузулийни истисно қилганда, юзларча йиллар давомида Ок денгиздан Қошқаргача, Волгадан Қожаристонгача ҳудудда Навоийчалиқ эътибор топан ва севилган бошқа шоир йўқдир». Бундан ташқари, 13-бетда: «Навоийни бутун буюқлигича турки ёшларга танитишимиз бизнинг ҳам миллий, ҳам илмий бурчимиздир». Навоий ҳақида қенгрок маълумот учун қаранг: З. В. Тўгон, «Алишер», ИА, 5., 349-357-бетлар; С. Brockelmann, Ost-Türkische gramatik der Islamischen Literatursprachen Mittelasiens, Leiden, 1951-1954; Е. Е. Бертельс, Навои, Опмт творче-ской биографии, Москва, 1948, айни муаллиф: Навои и Джами, М. 1965; Сирри ОгохЛевенд, Алишер Навоий, 1-2-жилд, Анкара, 1965-66 й.; Али Нихат Тарлан, Фахри Финдикўглу ва бошқалар, Алишер Навоий. Хаёти ва асарлари, Истанбул, 1962 й.; Муҳаммад Якуб Гургоний (ношир), Амир Алишер Навоий. «Фоний» (Афғонистон тарих жами-яти), Қобул, 1967; Фарух Тимурташ, Алишер Навоийнинг турк тили учун хизмати, Истанбул, 1962 й; Бартольд, «Мир Алишер и политический жизнь», «Мир Али Шир» номли тўпламда, Ленинград, 1928; (тур-кча нашри: А. Жаферўглу, «Ulku» X-XI, Анкара, 1937; олмонча нашри: W. Hinz, Leipzig, 1938; инглизча нашри: Minorsky, Barthold, Four Studies). Темур ва темурийлар даврида Туркистоннинг маданий ва маънавий ҳаётида жуда кўп шахс фаолият кўрсатди. Уларнинг жуда кўп асарлари ҳақида бу ерда маълумот беришнинг имқони йўқ. Темур ва темурийлар даврига оид Туркистоннинг маданий ҳаёти ҳақида муқаммал асарлар яратишни истикболга қолдириш ниятида миз (Темур ва темурийларнинг даври маданиятини барча томонларини қамраб олган бирор илмий асар йўқ. Бартольд, «История культурной жизни Туркестана» (Ленинград, 1927) асарида мана шу даврнинг маданий ҳаёти муаммоларини четлаб ўтган.).

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан

